# А. А. ГРОМИКОнинг сиёсий обзорчилар билан суҳбати

(Боши биринчи бетда).

Космик фазода жойлаштириладиган янги қурол турларининг бўтун бир системасини яратиш учун илмий-тадқиқот ишларини ўтказишнинг нима ҳожати бор? Зотан Америка маъмуриятининг бундай позицияси, илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ёқлаётган позицияси қалтис позициядир. Гарчи биринчи босқичда бўлса ҳам, кейинчалик қурол-яроғларнинг янги турини синаш ва жойлаштиришга тайёрликнинг нима ҳожати бор? Илмий-тадқиқот ишлари тугаганидан кейин шу билан уларнинг қаноатланиб қолишларига ким кафолат бера олади? Илмий-тадқиқот ишларига шунча миллиард доллар сарфлаб қўйибмиз-ку. бу маблағлар зое кетаверадими? — деб айтадиган кишилар — олимлар ҳам, бошқалар ҳам топилмайди, дейсизми. Ундан фойдаланиб, кейинги босқичга ўтиш, яъни синашга ва жойлаштиришга ўтиш яхши эмасми, деб айтувчилар топилмайди, дейсизми. Шундай бўлиши мумкинми? Ҳа, мумкин. Биз Америка маъмуриятининг иш услубини биламиз ва Америка Қўшма Штатларидаги вазиятни ҳам биламиз. Шу боисдан ракетадан мудофаа кенг кўламли системасини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга қаратилган йўл сиёсий, ахлоқий маънода танқиддан ҳам тубан эканлигини, бу йўл қалтис бўлиб, у рад этилиши кераклигини жуда қатъий қилиб таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биласизларми, очиғини айтганда, бундай позициядан бемаъниликкача борадиган йўл бир қадам.

**Савол:** Америка томони кўпинча гўё Совет Иттифоқи контроллик проблемасининг аҳамиятига етарли баҳо бермаяпти, деб даъво қилмоқда, баъзан эса, ҳатто Совет Иттифоқи гўё ўз зиммасига олган мажбуриятларни бузмоқда, деган гапларни ҳам эшитиш мумкин. Сиз шу хусусда нималар дея оласиз?

**Жавоб:** Ҳа, дарҳақиқат Америка томони аллақачондан буён, айтиш мумкинки, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейинги қуролсизланиш масалалари кўриб чиқила бошлангандан буён шундай важ-корсондан фойдаланиб келмоқда. Бунга мен шундай жавоб қайтарардим: биронта ҳам давлат контроллик масалалари юзасидан Совет Иттифоқичалик ғоят туб ва жуда олисни кўзловчи таклифни киритган эмас.

Ядро қуроли пайдо бўлиб контроллик тўғрисидаги масала вужудга келганда биз БМТ даргоҳида шу қуролни абадий тақиқлаш тўғрисидаги таклифни киритган эдик. Бизга: хўш, контроллик нима бўлади, бошқа қурол турлари билан нима бўлади, дейишди. Биз: келинглар, бошқа қурол турлари тўғрисидаги масалани ҳам ўртага қўйиб, контроллик ҳақида аҳдлашиб олайлик, деб жўнгина жавоб қайтардик. Хўш, қандай контроллик тўғрисида гап бормоқда? Ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олган ғоят кенг кўламдаги контроллик, жуда чуқур контроллик ҳақида, қисқа қилиб айтганда, ялпи контроллик тўғрисида гап бормоқда. Биз шу таклифни киритдик. Уни бошқа ҳеч қандай давлат киритгани йўқ. Дўстларимиз буни батамом қўллаб-қувватладилар. Бу бизнинг биргаликдаги таклифимиздир. Биз кўп йиллар мобайнида ялпи контроллик остида ялпи қуролсизланиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинишини талаб этиб келдик.

Ғарб, Америка Қўшма Штатлари шунга рози бўлишди, деб ўйлайсизми? Йўқ, рози бўлишмади. Улар ялпи қуролсизланишга ва ядро қуролини тақиқлашга ҳам, ялпи контролликка ҳам рози бўлишмади. Бу таклиф ҳозир ҳам Америка маъмуриятининг ҳамда НАТО блокидаги бошқа ҳукуматларнинг ва умуман дунёдаги ҳукуматларнинг столида турибди.

Биз бугунги кунда ҳам шундай кенг таклифни — ялпи ва тўла халқаро контроллик остида ёппасига ва батамом қуролсизланишни кўзда тутувчи таклифни кўриб чиқишга тайёрмиз. Таъкидлаб айтаманки, бу таклиф халқаро контроллик остида амалга оширилиши керак. Бу эса шундай контролликда Америка вакиллари ҳам иштирок этиши мумкинлигини билдиради.

Гўё Совет Иттифоқи тузилган битимлар юзасидан қандайдир мажбуриятларни бажармаяпти, деган гапларга келганда булар уйдирмадир. Агар эътибор қилсангиз, Америка маъмурияти гўё Совет Иттифоқи мен эслатиб ўтган ҳалигиндай ҳаракатлар қилди, деб конгрессга йўллаётган ва баъзида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига маълумот учун етказилаётган меморандумларда, хатларда мана шундай ибораларни учратиш мумкин: Совет Иттифоқи фалон мажбуриятларини бажараётганига шубҳа бор ёки фалон мажбуриятларини тўлиқ бажармаётганга ўхшайди, Совет Иттифоқи фалон мажбуриятларини ҳақиқатан ҳам бажараётганлигини текшириб кўриш масаласи юзага келиб қолган эмиш. Аммо Совет Иттифоқи бирон нимани ҳақиқатан ҳам бузганлигини кўрсатувчи фактларга асосланган далиллар билан келтирилган тўғридан-тўғри баёнотлар ҳеч қаерда йўқ. Биз буни қатъиян рад этамиз. Йўқ, Совет Иттифоқи икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар бўлишидан қатъи назар, ўзининг имзоси ва бошқа давлатларнинг имзоси қўйилган шартномалар ва битимлар юзасидан қабул қилинган мажбуриятларини бузишга одатланган эмас. Биз бу билан фахрланамиз.

Дарвоқе, жаҳон ҳам бунга кўникиб қолди. Американиклар Совет Иттифоқи бирон-бир битимнинг айрим қоидаларини бажармаяпти деб айтганларида бу гапга унча парво қилишмайди, гўё шу хилдаги даъволар тўғри деб, бошқа давлатлар ҳеч қачон бизга баёнотлар беришгани йўқ. Бундай даъволар асло тўғри эмас. Бизнинг виждонимиз пок. Биз битимларни бажармаслик учун уларни тузаётганимиз йўқ, биз шу битимларни бошдан охиригача бажариб келмоқдамиз.

**Савол:** АҚШнинг расмий вакиллари биз ядро қуроллари тўғрисидагина жиддий музокаралар олиб бориш ниятидамиз, космик қуролларга келганда эса бунда Америка томони гўё «тинчликни мустаҳкамлаш учун ана шу системаларнинг аҳамиятини тушунтириб беришнигина» назарда тутмоқда, деб шама қилмоқдалар. Бундай гапларга қандай баҳо бериш керак?

**Жавоб:** Женевада эришилган аҳднома муносабати билан Америка позицияси ана шундай эркин талқин этилаётган экан, шу аҳномани ҳар бир фаросатли киши тушунгандек тушунган тақдирда бу талқинлар шу аҳдноманинг руҳини ифода этмайди. Аҳдномада гап космос, ядровий стратегик қуроллар ва ўртача олисликка учириладиган ядровий қуроллар каби соҳаларни қамраб оладиган музокаралар тўғрисида бормоқда, деб тўғридан-тўғри айтилган.

Агар бирон-бир кимса — космос тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш чоғида томонлардан бири аҳдноманинг руҳига мос келмайдиган ўз позициясини тушунтириш билангина шуғулланаверадиган, иккинчи томон эса фақат унинг гапларини тинглайдиган аҳволни назарда тутаётган бўлса, — йўқ, бундай эмас. биз бундай семинарни назарда тутмаймиз. Бу — беҳуда, қуруқ машғулот бўлур эди.

Учала соҳа бўйича айни бир вақтда, бир-бири билан боғланган аҳдномага эришилмай туриб, Женевада келишиб олинган ишларни бажаришда олға силжиб бўлмайди. Америка Қўшма Штатлари томонидан бундай четга чиқувчи баёнотлар бериш камроқ бўлишини истар эдик. Бундай баёнотлар мутлақо берилмаса, яна ҳам яхшироқ бўларди. Бу ишларга жиддий ёндашмоқ керак. Бу ишлар шундай четга чиқишларни ёқтирмайди.

**Савол:** Космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш тўғрисида битимга эришилган тақдирда стратегик қуролларни чеклаш соҳасида қандай истиқболлар очилган бўлур эди?

**Жавоб:** Шу пайтгача бўлганидан кўра анча қулай истиқболлар очилган бўлур эди, деб ҳисоблайман. Боя айтганимдек, стратегик қуролларни космик қуроллардан ажратган ҳолда тақиқлаш масаласини муҳокама қилиб бўлмайди. Аммо, башарти, космос проблемалари зарур йўналишда муҳокама қилинадиган бўлса ва бу соҳада бир битимга келиш мумкинлиги аниқланадиган бўлса, стратегик қуролларга доир масалаларда ҳам олға силжиш мумкин бўлур эди.

Совет Иттифоқи стратегик қуроллар проблемасини муҳокама қилишга тайёр бўлибгина қолмай, шу билан бирга бу қуролларни кескин қисқартиришга ҳам тайёр бўлур эди. Бунда ҳам тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига риоя этилиши лозим, албатта. Космос масалаларида олға силжиш бўлмаган тақдирда эса, аксинча, стратегик қуролларни чеклаш имконияти ҳақида гапириш ўринсиз бўлур эди.

**Савол:** Стратегик қуроллар юзасидан илгари эришилган битимлар амал қилмоқдами?

**Жавоб:** Р. Никсон Америка президенти бўлган пайтда тузилган СҚЧ-1 битими ҳақида гапириладиган бўлса, унинг амал қилиш муддати тугаган бўлишига қарамай, томонлар шу битим юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятлар ўз кучида қолиши ҳақида бир-бирларига расмий баёнотлар бериш ҳақида келишиб олдилар. Шу сабабли бу мажбуриятлар ҳозир ҳам ўз кучида қолмоқда. Биз келгусида ҳам битимга шундай муносабатда бўлишга тайёрмиз.

Ўз вақтида Венада бизнинг томонимиздан Л. И. Брежнев, АҚШ томонидан эса президент Ж. Картер имзолаган СҚЧ-2 битими ҳақида гапириладиган бўлса, Қўшма Штатлар бу битимни ратификация қилмаганлиги маълум. Шу сабабли мазкур битим юзасидан томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятлар юридик жиҳатдан ўз кучини сақлаб қолаётган мажбуриятлар, деб ҳисобланмайди. Бироқ томонлар бу битимда ҳақиқатда мавжуд ижобий аҳамиятга эга бўлган шартлар амал қилиши лозимлигига асосланиб иш тутмоқдалар. Бу битимга оид аҳвол кўп жиҳатдан мураккаб бўлиб турибди. Битимнинг баъзи қоидаларига — шу нарса равшан бўлиши керакки, — масалан, қанотли ракеталар тўғрисидаги қоидаларига эҳтиёж қолмади. Бу хусусда вақтинчалик омил назарда тутилган эди. Бу қоидалар, жумладан шартномага илова қилинган протоколга эҳтиёж қолмади, улар энди амал қилаётгани йўқ. Умуман олганда, шу шартнома билан боғлиқ бўлган ижобий жиҳатлар амал қилиши лозим, деб айтиш тўғри бўлади. Буни иккала томон тушуниб турибди, шундай бўлгани яхши.

**Савол:** Америка маъмурияти гўё СССРда оғир қитъалараро баллистик ракеталарнинг мавжудлиги беқарорлаштирувчи таъсир ўтказмоқда, деб зўр бериб таъкидламоқда ва шу воситаларни кескин қисқартиришни талаб қилмоқда. Масалани шу тарзда қўйиш ўринлими?

**Жавоб:** Йўқ, масалани бу тарзда қўйиш мутлақо ўринсиз. Бир вақтлар стратегик қуроллар юзасидан музокаралар олиб борилган пайтда, ҳозир Вашингтонга айниқса ёқмаётган оғир ракеталар, деб аталган ракеталаримиз аҳдноманинг таркибий қисми бўлган эди. Такрор айтаман — аҳдноманинг таркибий қисми бўлган эди.

Ўшанда биз Американинг олдинги базалардаги, жумладан Европадаги ядровий воситалари масалаларида талабни пасайтирган эдик — бу шартномага Американинг Европадаги базаларини киритмаган эдик, аммо кейинги музокараларда бу масала ҳал этилиши лозимлигини айттан эдик. Шунинг эвазига АҚШ Совет Иттифоқининг оғир ракеталарга эга бўлишини асосли деб тан олган эди, шу ракеталар ҳақида Қўшма Штатларда баъзан жуда кўп гапирмоқдалар ва ҳатто шовқин-сурон кўтармоқдалар.

Совет Иттифоқи бу ўринда ҳам тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципининг тарафдори бўлиб келди ва тарафдори бўлиб қолмоқда. Биз бунга Америка маъмуриятининг эътиборини қаратдик, у ерда ҳам ўйлайдиган одамлар бор, албатта. СССРда ва АҚШда стратегик қуролларнинг вужудга келиш тарихи шундайлигини, бу қуроллар уларда турлича вужудга келганлигини маъмуриятнинг ўзи ҳам тушунади. АҚШда доимо бомбардимончи авиация, аввало ядро қуролини ташувчи авиация кучли бўлиб келган. Сув ости кемалари сингари омил ҳам Америкада устун бўлган. Шу сабабли бу тафовутни, жумладан стратегик ядровий кучлар структурасидаги тафовутни бир зумда тугатиб ташлаш жиддий иш эмас. Ниҳоят, ҳатто Американинг расмий доираларида ҳам илгари улар бизнинг оғир ракеталаримиз муносабати билан зўр бериб таъкидлаб келган талаби ҳаддан ташқари ва ўринсиз эканини тушуна бошлаганга ўхшайдилар. Ҳа, дарҳақиқат иккала мамлакатнинг стратегик ядровий кучлари қандай вужудга келгани тарихини тушунмоқ керак, деган гапни тез-тез айта бошладилар.

Биз ядро қуроллари соҳасидаги музокараларда энг муқаддас принципдан — тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципидан орқага қайтганимиз йўқ ва қайтмаймиз ҳам. Илгари шундай бўлган эди, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шундай бўлаверади.

Мана шу — соғлом, ишонарли негизга риоя этилган тақдирдагина стратегик ядро қуроллари масалалари, космос масалалари, ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли масалалари хусусида бир битимга келиш ва ижобий қарорлар қабул қилиш йўлини қидириш мумкин.

**Савол:** Мўлжалланаётган музокараларда ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари масаласини ҳал этиш, Сизнинг фикрингизча, қандай ўрин олади? Башарти, американиклар Европада ўзларининг янги ядровий ракеталарини жойлаштиришни давом эттираверсалар, қандай вазият вужудга келади?

**Жавоб:** Башарти АҚШ Европада ўзининг ўртача олисликка учириладиган ядровий воситаларини бундан буён ҳам жойлаштираверадиган бўлса, очиқдан очиқ айтиш керакки, вазият чигаллашади. Жуда қаттиқ чигаллашади. Биз жамики ядровий воситаларни кўпайтирмасликни таклиф қилганлигимиз яхши маълум. Бундан ташқари, биз Женевада башарти, Америка Қўшма Штатлари шундай ҳаракат қилиб, ўртача олисликка учириладиган ядровий воситаларни жойлаштиришни давом эттираверадиган бўлса — улар шундай режалари борлигини ва бу режаларни амалга оширмоқчи эканликларини зўр бериб таъкидламоқдалар, — у ҳолда американиклар Женевада эришилган аҳдномага мувофиқ бошланиши лозим бўлган музокараларни таҳлика остида қолдирган бўлур эдилар, деб уларни жуда аниқ равшан огоҳлантирдик. Такрор айтаманки, биз бу ҳақда Қўшма Штатларни огоҳлантирдик. Улар буни эътиборга оладилар, деб умид қиламиз.

**Савол:** Ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида Англия билан Франциянинг ядровий воситаларини ҳисобга олиш масаласида Вашингтон ва унинг иттифоқчилари ўз муносабатини ўзгартирдими ёки йўқ эканини марҳамат қилиб айтиб берсангиз?

**Жавоб:** Биз Женевада ҳам, Женевадан ташқарида ҳам АҚШ вакилларидан эшитган гапимиздан маълум бўлишича, улар Англия билан Франциянинг тегишли ядровий воситалари масалаларидаги ўз позицияларида турибдилар (сизларга маълумки, Америка давлат арбоблари деярли ҳар куни баёнот бериб, ядро қуролларига ва умуман Шарқ билан Ғарб ўртасидаги, Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги вазиятга ва муносабатларга тааллуқли гоҳ у, гоҳ бу масалани шарҳлаб турибдилар). Биз уларга Англия ва Франциянинг ядровий воситалари ҳисобга олиниши керак, деб айтиб келдик, айтмоқдамиз ва айтаверамиз. Англия билан Франция — Шимолий Атлантика иттифоқининг қатнашчиларидир. Башарти Шимолий Атлантика иттифоқи инглиз ва француз ядровий воситалари тарзида қўшимча ёки қандайдир мукофот оладиган бўлса, бу мутлақо асоссиз бўлур эди.

Бизнинг ўртамиздаги ихтилофларнинг моҳияти мана шулардан иборат. Бу — ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари проблемасини муҳокама қилиш соҳасидаги асосий ихтилофдир. Биз Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида қай асосда аҳдномага эришиш хусусида таклифлар қилдик. Биз Англия билан Франция ўзининг ядровий воситаларини тугатишлари керак, деган масалани асло қўймаётганлигимизни неча марталаб билдирдик. Биз бу воситалар ҳисобга олиниши керак, деган гапнигина айтдик. Бунинг маъноси шуки — башарти Англия ва Франция ядровий воситалари сақланиб қоладиган бўлса, унда Американинг ядровий воситалари тегишли миқдорда қисқартирилиши керак. Чунки булар, мажозий ибора билан айтганда, баррикаданинг бир тарафида турган жўралардир.

**Савол:** Совет позицияси Европа зонасидаги ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларининг умумий миқдорига авианосецлардаги авиацияни қўшишни назарда тутадими?

**Жавоб:** Бу — ғоят муҳим масала. Шу пайтгача биз бўлиб ўтган музокаралар чоғида Европа сувларида, айтайлик, Ўрта денгизда сузиб юрган ёки Европа сувлари яқинида турган Американинг олтита авианосецини назарда тутган эдик. Такрор айтаман, олтита авианосецни назарда тутган эдик.

Америка Қўшма Штатларида ҳаммаси бўлиб 14 та авианосец борлиги ва ўн бешинчиси қурилаётганлиги яхши маълум. Ҳамма маълумотларга кўра. у тез орада қуриб битказилади. Ҳар бир авианосецда ядро қуроли ташийдиган 40 та самолёт жойлаштирилади. Ҳар бир самолётда иккита ёки учта ядро заряди бор. Мана шундан ҳисоблаб кўраверинг: агар атиги олтита авианосец олинадиган бўлса, уларда камида 480 та ядро заряди бор, ҳаммаси бўлиб эса авианосецлар 15 та! Бирон-бир фавқулодда вазиятда авианосецларни дунёнинг бошқа районларидан Европага яқинроқ жойга келтириш қийинми ахир? Унчалик қийин эмас.

Бинобарин, биз музокараларнинг муайян бир босқичида олтита эмас, балки ўн бешта авианосец тўғрисидаги масалани қўйишимиз мумкин. Яъни, шу пайтгача биз ҳисобга олмай келган авианосецлар тўғрисидаги масалани ҳам ўртага қўя оламиз. Ахир фақат олтита авианосецни олганда ҳам, ҳар бир самолётда фақат иккитадан ядро заряди бор, деб ҳисоблаганда ҳам, боя айтганимдек, уларнинг сони 480 тага етади, агар ядро қуроли ташувчи самолётлар икки баравар кўп бўлса, ядро зарядлари ҳам икки баравар кўпаяди, яъни ядро зарядлари мингтадан ошиб кетади. Бу — жуда катта куч. Биз авианосецлар тўғрисидаги масалани резервда сақлашни назарда тутамиз. Агар музокараларнинг боришига қараб бу омилдан фойдаланиш ўринли чиқадиган бўлса, биз ундан фойдаланамиз. Биз шундай қилишга ҳақлимиз. Бу — дабдабали гап эмас, заруратдир.

Мен масалани шу тарзда қўйишни математик жиҳатдан асослаб бердим. Американиклар буни, чамаси, нозик тактика чўққиси деб ҳисоблаб, уни гўё унутгандек бўлсалар, бу масалани четда қолдиргандек бўлсалар, барибир буни биладилар.

**Савол:** Ғарбда баъзан илгари тўхтатиб қўйилган музокаралар энди шунчаки қайтадан бошланмоқда, Американинг янги ракеталари Европада жойлаштирилаётганлиги учун шундай бўлмоқда, деб гапирмоқдалар. Сиз бу даъволарни қандай шарҳлай оласиз?

**Жавоб:** Бу музокаралар илгари тўхтатиб қўйилган музокараларнинг давоми эмас, албатта. Бу — мутлақо янги музокаралар. Бу эски музокараларнинг давоми эмаслигини, балки янги музокаралар эканлигини американиклар, шахсан давлат секретари тан олди. Аввалига «музокараларни қайтадан бошлаш» иборасини ишлатмоқчи бўлиб кўрдилар.

Аммо биз тушунтириб бериб, ҳақиқатга яқинроқ бўлишни таклиф қилганимиздан кейин улар бу, албатта, мутлақо янги музокаралар эканлигига қўшилдилар.

Бу ўринда асосан нимани таъкидламоқ керак? Агар илгари стратегик қуроллар юзасидан ва ўртача олисликка учириладиган қуроллар юзасидан алоҳида-алоҳида музокаралар олиб борилган бўлса, — ўшанда иккала томон ишни шундай олиб бориш керак, эҳтимол битимларга келиш йўлини топиш шунда осонроқ бўлар, деган фикрга келган эдилар, — энди ўртача олисликка учириладиган қурол тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этмай, туриб стратегик қуроллар юзасидан музокаралар олиб бориш ва бир битимга келиш мутлақо мумкин эмаслиги жуда муайян тарзда аниқланди. Хўш, нега мумкин эмас? Бунинг сабаби шуки, ўртача олисликка учириладиган қурол Совет Иттифоқи учун стратегик қурол ҳам ҳисобланади. Ўртача олисликка учириладиган қурол — фақат олислик параметрлари жиҳатидан ўртача бўлса, ўз характери жиҳатидан ва Совет Иттифоқи учун бўлган қудрати жиҳатидан стратегик қуролдир. У Совет Иттифоқи территориясига етиб кела олади. Ҳолбуки, Қўшма Штатлар кечаю-кундуз қарши курашаётган қурол тури — бизнинг ўртача олисликка учириладиган қуролимиз — СС-20 ракеталари АҚШ территориясига етиб бора олмайди.

Бу — ҳозирги пайтда проблемаларни ҳал этишга комплекс ёндашиш лозим, деган фикр тўғрилигини тасдиқловчи далилларнинг биридир. Ядровий стратегик қуроллар масаласини космосдан ажратган ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди. Стратегик қуроллар тўғрисидаги масалани ўртача олисликка учириладиган қуроллардан алоҳида тарзда кўриб чиқиб бўлмаслигини боя айтиб ўтдим. Стратегик қурол билан ўртача олисликка учириладиган қуролни космосдаги қуролдан алоҳида кўриб чиқиб бўлмаслиги ҳақида гапираётганим ҳам йўқ.

Биз Женевадаги учрашувга ҳақиқатни айтиш учун бордик: ҳозир мана шундай аҳвол вужудга келдики, шу проблемаларнинг ҳаммасини комплекс тарздагина кўриб чиқиш мумкин. Агар Америка маъмуриятининг кенг миқёсли ракетадан мудофаа, деб аталган мудофаани вужудга келтириш режалари бўлмаганида эди, космосни жалб этиш ва шу проблемаларнинг ҳаммасини бирга кўриб чиқиш масаласи пайдо бўлмаган бўлур эди. Космос мусаффо бўлиши керак, унга қуролланиш пойгаси ёйилмаслиги керак. Ҳолбуки, аҳвол бошқача бўлиб турибди. Ҳозир космос билан бир қаторда стратегик қуроллар ва ўртача олисликка учириладиган қурол проблемаларини фақат бирга қўшиб муҳокама қилиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ягона комплекс эканини назарда тутиш — жуда муҳимдир. Қоғозда учала масалани ўзаро боғлаб ҳал этиш осонроқ бўлгани учун, қандайдир якунларни чиқариш, қандайдир номувофиқ жиҳатларни излаш қулайроқ бўлгани учун шундай қилинаётгани йўқ. Йўқ, турмушнинг ўзи, реал аҳволнинг ўзи буларнинг ҳаммасини комплекс тарзда муҳокама қилишга мажбур этмоқда.

Сирасини айтганда одамлар учун нимадан ўлиш: космосдан келадиган бомбаданми ёки стратегик ракетадан ёҳуд ўртача олисликка учирилган ракетадан отилган зарядданми, эканлиги барибир. Аммо тўғри ёндашишни ва ёндашишдан ташқари, яъни баъзи омилларни — битимга келиш истаги ва иродасини ҳам назарда тутиб, унисини ҳам, бунисини ҳам, учинчисини ҳам ҳал этиш имконияти бор.

**Савол:** Бўлғуси музокараларда иттифоқчиларимизнинг — қардош социалистик давлатларнинг хавфсизлиги манфаатлари қай тарзда эътиборга олинади?

**Жавоб:** Уларнинг манфаатларини биз тўла-тўкис эътиборга оляпмиз. Совет Иттифоқи Ғарб мамлакатлари ва АҚШ олдида ўз номидан ва иттифоқчиларимиз номидан гапирмоқда. Бизнинг принципиал сиёсатимиз ягонадир. Бу эса сиёсатимизга куч бағишлайди. Биз бу масалаларни Варшава Шартномасининг Сиёсий Маслаҳат Комитети, бошқа органлари кенгашларида вақти-вақти билан муҳокама қилиб турибмиз. Бу — биргаликдаги сиёсатдир. Биз ҳам ўз номимиздан, ҳам уларнинг номидан иш тутаяпмиз, уларнинг хавфсизлиги манфаатлари ҳам худди Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатлари каби тўла-тўкис муҳофаза қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

**Савол:** Айтайлик, АҚШнинг ўтмишдаги феълатворини ҳисобга олганда, у космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш зарурлиги хусусида эришилган аҳдномани бузиш йўлига ўтган тақдирда бундай вазиятнинг оқибатлари қандай бўлур эди?

**Жавоб:** Бунинг оқибатлари жуда оғир бўлур эди. Агар АҚШ шу йўлга ўтгудек бўлса, музокаралар барбод бўлур эди. Биз Америка вакилларини шундай деб огоҳлантирдик. Бунда бирон-бир йўл ва ўртача йўл йўқ. Ё космос билан жиддий шуғулланилади, космосда қуролланиш пойгасига йўл қўйилмайди ва у ҳарбийлаштирилмайди ёки қуролланиш пойгаси давом этаверади. Бу соҳада ярим-ёрти чоралар кўриш билан масалани ҳал этиб бўлмайди. Ярим-ёрти чора бугун ярим-ёрти чора бўлиши мумкин, эртага эса у қуролланиш пойгасини кучайтиришга олиб бориши мумкин. Ўшанда космос қурол-яроғларнинг тегишли турлари жойлаштириладиган даҳшатли майдонга айланади ва инсоният ҳаётининг ўзига жуда катта хавф сола бошлайди.

Бу асло сўздаги муболаға эмас. «Самовий урушлар», кенг миқёсли ракетадан мудофаа системаси ҳақида гапирганларида ҳаёт ва мамот ҳақида гапирадилар. Масала шу тарзда турибди. Биз Америка Қўшма Штатларигагина эмас, бутун дунёга ҳақиқатни айтишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Константин Устинович Черненко ўз баёнотларида ва Америка президентига қилган мурожаатларида бу ҳақда неча марталаб айтди, космик фазода қурол жойлаштиришда мусобақалашишга йўл қўймаслик зарурлигига эътиборни жалб қилди. Биз космос тўғрисидаги масала хусусида қатъият билан курашаверамиз.

Нақадар кучли сўзлар ишлатилмасин, бу сўзлар космосда қурол жойлаштирилиши ва қуролланиш пойгасининг космосга ёйилиши билан боғлиқ бўлган бутун хавф-хатарни ифодалаш учун етарли бўлмайди.

**Савол:** Бўлғуси музокараларнинг структураси тўғрисидаги таклифни қайси томон киритди?

**Жавоб:** Бу таклифни биз киритдик, Совет томони киритди, бу таклиф мантиқийдир. Биз шундай мулоҳаза юритдик — Марказий Комитет, Сиёсий бюро шу мулоҳазага амал қилди, — модомики космосдаги проблемаларни ҳамда стратегик ядро қуроллари ва ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари проблемаларини кўриб чиқиш зарурати бор экан, у ҳолда музокараларнинг структурасида ҳам бир проблемани иккинчисига мувофиқ келадиган тарзда қуриш мантиқийдир. Шу сабабли биз ҳар бир томондан битта делегация бўлишини, аммо у, албатта, уч группадан иборат бўлишини, токи бу группалардан бири космос масалалари билан, иккинчиси стратегик ядро қуроллари билан, учинчиси ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари билан шуғулланиши лозим, деб таклиф қилдик.

Биз бу структурани қай маънода тушунишимизни батафсил изоҳлаб бердик. Ҳар бир группа ўз соҳаси билан шуғулланиши керак, бироқ бошқа группани ҳам қизиқтирадиган масалалар, иккинчи группада ва учинчи группада муҳокама қилинаётган масалалар билан боғлиқ масалалар келиб чиқиши муқаррар.

Бундай ҳолатда делегация тўла составда вазиятни муҳокама қилиши, бир группада иккинчи ва учинчи группадан мустақил равишда аҳднома расмийлаштириладиган аҳвол бўлмаслиги учун турли масалалар бир-бири билан қандай қовиштирилишини кўриб чиқиши лозим. Мен космос ҳақида, бошқа масалалар юзасидан бир битимга келишда космосни истисно қилиб бўлмаслиги тўғрисида ҳали гапириб ўтдим. Делегация қанча вақтдан кейин тўла составда тўпланиши ва бу масалаларни кўриб чиқиши устида биз ҳеч қандай қатъий қоидаларни белгилаб қўйганимиз йўқ. Ҳозир буни олдиндан кўришнинг иложи йўқ. Музокараларнинг бориши тегишли тартибнинг ҳам зарурлигини тақозо этади. Шундай қилиб, айрим группалар тегишли соҳалардаги масалаларни ва барча масалаларни уларнинг бирга қўшилиши нуқтаи назаридан чуқур кўриб чиқишлари керак. Уч йўналиш ҳар хил компонентларни билдиради. Бунинг ижобий томонлари бор, чунки компонентлар нақадар кўп бўлса, уларни алмаштириш, турлича мослаштириш имкониятлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Аммо чигалликлар ҳам бор. Унисини ҳам, бунисини ҳам эътиборга олиш керак. Бундан бошқа илож йўқ.

Аммо биз структурадаги мураккабликлар билан ўзимизни чўчитмаслигимиз керак. Истагу-ирода бўлса бир қарорга келиш мумкин, чунки буларнинг ҳаммаси ҳисобга олса бўладиган нарсалар. Бундан ташқари, ҳаммасини математик тарзда ҳисоблаб чиқиш, мувофиқлаштириш, бир эквивалентга келтириш унчалик қийин эмас. Шундай имконият бор. Фактик материалга эга бўлган кўпгина одамлар бор. Бунга қараб қолинмайди. Иродаю-истак бўлса бас, энг кераклиси шу.

**Савол:** Ҳозирнинг ўзида, музокаралар бошланмай туриб, музокараларнинг келажаги ҳақида нималар дея оласиз?

**Жавоб:** Бу шундай саволки, унга аниқ жавоб бериш қийин. Юз донишмандни тўпласангиз ҳам бу саволга жавоб бера олмайдилар, деб ўйлайман.

Мен фақат Совет томони ҳақида гапира оламан. Биз музокаралар амалий бўлиши, ёндашув жиддий бўлиши, Женевада белгиланган мақсадларга ҳақикатан ҳам риоя этилиши, томонлар муғомбирлик қилмасликлари, уларнинг ҳар бири иккинчисини чалғитишга интилмаслиги, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига хилоф равишда бирон-бир устунликка эришишга интилмаслиги тарафдоримиз. Томонларнинг ҳар бири иккинчи томон бу принципдан чекинишга йўл қўймаслигига асосланиб иш тутиши лозим.

Биз ишни тинчлик сари, ўзаро мақбул қарорларга келиш сари, тегишли битимларни тайёрлаш сари олиб бориш тарафдоримиз. Бу гап космосга ҳам, стратегик қуролларга ҳам тааллуқлидир. Бу гап ўртача олисликка учириладиган ядро қуролига ҳам тааллуқлидир.

**Савол:** Ядро қуролларига тегишли бўла туриб, бўлажак музокараларда муҳокама қилинмайдиган, балки ҳозирнинг ўзидаёқ мустақил равишда ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар ҳам борми?

**Жавоб:** Ҳа, бундай масалалар бор. Биз Америка томонига бу ҳақда гапирдик ва шу масалаларни айтиб бердик. Уларнинг тўла-тўкис рўйхатини айтмаганда ҳам, масалан, учала соҳадаги ишларнинг аҳволидан қатъи назар ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақида битим тузиш мумкинлигини айтса бўлади. Хўш, буни ҳал этса бўлмайдими? Бўлади. Бундай аҳднома ва уни расмийлаштириш йўлида ҳеч қандай объектив тўсиқлар йўқ. Биз шуни таклиф қилдик, ҳозир ҳам таклиф қиляпмиз ва яна таклиф қилаверамиз.

Сўнгра ядро қуролларини кўпайтирмаслик масаласини олайлик. Бу масалани алоҳида ажратиш мумкин. Биз бу масалани тилга олган учала соҳадан ҳар қайсисидаги ишларнинг аҳволига қарамай, ҳал этиш тарафдоримиз, бу масала қанчалик тез ҳал этилса, шунчалик яхши бўлади.

Учинчи мисол. Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида бир неча йил муқаддам имзоланган тинчлик мақсадидаги ядро портлатишлари тўғрисидаги битим ҳамда ядро қуроли синовлари масалалари чегарасини белгиловчи битим кучга киритилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Қўшма Штатлар ўтакетган даражада ишни бузиш йўлини тутди. У бу ишни охирига етказмаслик учун жўрттага, намойишкорона ҳаракат қилди. Ҳолбуки, шу битимларни кучга киритиш мумкин эди. Мен гапириб ўтган уч соҳадаги аҳдномаларга боғламай туриб, бизнинг фикримизча, ҳал этилиши мумкин бўлган бошқа масалалар ҳам бор. Ядровий давлатлар ўз зиммаларига ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятларини олишлари тўғрисидаги масалани ҳам шу жумлага қўшиш мумкин. Исталган вақтда — бугун, эртага, индинга ҳар бир ядровий давлат ўз зиммасига шундай мажбурият олиши мумкин ва бизнинг фикримизча шундай мажбурият олиши керак.

Совет Иттифоқи ўз зиммасига шундай мажбуриятни олди. Буни бутун дунё қарсак чалиб кутиб олганини биласизлар.

**Савол:** Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан янги музокаралар бошламоқда. Аммо бу музокаралардан Вашингтон ҳарбий устунликка эришиш учун ниқоб сифатида фойдаланмаслиги ва бу музокараларни боши берк кўчага киритиб қўймаслигининг кафолоти борми?

**Жавоб:** Қўшма Штатларнинг позицияси доимо виждонли, амалий бўлишига ким кафолот бера олишини билмайман. Ўтмишда нималар бўлганлигини биламиз, ахир. Мен баъзи мисолларни айтиб бердим. Тузилган битимлар итқитиб ташланмоқда ёки ҳақиқий эмас, деб эълон қилинмоқда. Шу сабабли мен кафолот деган иборани ишлатмаган бўлур эдим.

Иш тўғри йўлдан бориши учун, аҳдномалар бажарилиши учун ва талаб қилинаётган ҳамма аҳдномаларга эришилмоғи учун, ҳал қилувчи зарур бўлган масалалар ҳал этилиши учун керакли ҳамма ишни қилиш тинчлик манфаатларига, Қўшма Штатларнинг, Совет Иттифоқининг ва бутун дунёнинг манфаатларига мос бўлиб тушишини яхши биламиз.

Мана шуни дадил айтиш мумкин.

Мен сиз берган саволлар руҳидан келиб чиқиб, ўз ташаббусим билан яна бир муҳим масалани ёритиб бермоқчиман. Шу проблемаларга қизиқиб қарайдиган кишиларимизда ҳам, чет эллардаги барча арбобларда ҳам, чет эл жамоатчилигида ҳам тўғри тушунча бўлмоғи керак.

Америка томони космос хусусидаги ўз режасини, кенг миқёсли ракетадан мудофаа деб аталган режасини мудофаа режаси, деб таърифламоқда. Женевада ҳам, айниқса суҳбатлар эндигина бошланган пайтда: нега энди сизлар эътироз билдирасизлар, ахир бу мудофаа режаси-ку! Биз Америка Қўшма Штатларига қарши учирилган ракеталарни уриб туширадиган воситаларни яратмоқчимиз-ку. Ахир бу мудофаа-ку, — деган гапни қайта-қайта такрорлашди.

Бунда ҳийла, муғомбирона ва умуман маккорона усул яшириниб ётибди. Америка Қўшма Штатлари, аниқроғи Америка маъмурияти назарда тутаётган система ёки унга ўхшаш системани вужудга келтиришга муваффақ бўлинди, деб фараз қилиб кўринг. Бошқача қилиб айтганда, ракеталардан ўзини тўсадиган қалқон вужудга келтирилди, деб ўйлайлик. Чунки улар, биз Совет Иттифоқи томонидан бериладиган ядро зарбасидан қўрқяпмиз, шу сабабли бизга қалқон керак, демоқдалар.

Айтайлик, улар шундай қалқонни барпо этишди. Бу қалқон тинчликсеварлик характерига эга демоқдалар. Бу қалқон ракеталарни йўқ қилиш учун, бу ракеталар мўлжалга келиб тегмаслиги учун мўлжалланган, демоқдалар. Тегишли фавқулодда вазият рўй берган тақдирда, албатта, бошқа томонга қарши, Совет Иттифоқига қарши шу қалқон остидан ракеталар учирилишининг эса — улар нуқтаи назаридан ҳеч қандай аҳамияти йўқ, бунинг гўё ҳеч қандай хавфи, йўқ эмиш. Бизни ҳатто шунга ишонтиришга уринмоқдалар.

Бизга: Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқига зарба уриш нияти йўқ, демоқдалар, такрор айтаман, ният ҳақида гапирмоқдалар. Биз уларга: бундан чиқдики, Совет Иттифоқи сизларнинг виждонингизга, Вашингтоннинг виждонига ишониши керак экан-да? — деб айтяпмиз.

Биринчидан, Вашингтоннинг жуда катта виждон резерви борлигига биз унчалик амин эмасмиз. Биз баъзи фактларни эътиборга олиб, бунга ишонмаймиз. Иккинчидан, биз уларга: башарти биз фикран сизлар билан, Америка Қўшма Штатлари билан ўрин алмашсак, унда сизлар ҳам худди Совет Иттифоқи сингари мулоҳаза юритишингиз керак бўлади деб айтдик. Бошқача қилиб айтганда, агар биз шундай системани вужудга келтирсак, сизлар бизнинг тегишли баёнотларимизга, бизнинг виждонимизга ишонган бўлармидингиз? Бу баёнотлар сизлар учун етарли бўлармиди? — деб айтдик.

Бунга жавобан улар ҳеч нима демадилар. Америка маъмурияти бу планни ёки системани — уларга «система» сўзи кўпроқ ёқади — «мудофаа» деб таърифлагани билан аҳвол ўзгармайди. Қайсидир ижтимоий табақаларни чалғитишга муваффақ бўлинмоқда. Бу ҳақда ошкора айтмоқ керак. Аммо бу ўринда мудофаадан мутлақо асар ҳам йўқ, албатта.

Бу — ҳужум қуроли, бу план, очиғини айтганда, бошдан оёқ агрессив, такрор айтаман, агрессив план. Биз бунга қатъиян, жуда қатъиян қаршимиз. Бу масалаларда ҳалол позицияда туришга интиладиган ҳар бир киши бу план қай мақсадни кўзлашини англаб олиши керак, деб ўйлаймиз.

Ҳатто назарий анализ жиҳатидан олиб кўрганда ҳам, — Қўшма Штатлар шундай системани барпо этди, аммо Совет Иттифоқига қарши ракеталар учириш ва ядро зарбаси уриш имкониятларидан фойдаланмади, деб фараз қилайлик. Аммо, уларда шундай қалқон бўлган тақдирда, уларнинг бундай ракеталарни учириш ва ядро зарбаси уриш имконияти бўлар эди-ку. Бундан тазйиқ қилиш, дўқ-пўписа қилиш учун фойдаланилган бўлмасмиди?

Бу нарса АҚШ маъмуриятининг дунёда устунлик мавқеини олишга қаратилган йўлига мос бўлиб тушади. Бунда Қўшма Штатлар учун ўз шартларини бошқаларга тиқиштирадиган имконият вужудга келган бўлур эди. Бу ўринда гап Совет Иттифоқи ҳақида бормоқда. Биз бу системани, шу планнинг ҳаммасини қатъиян рад қиламиз. Шу боисдан ҳам мен тенглик, такрор айтаман — тенглик ва баб-баравар хавфсизлик бундан буён ҳам иш юритиш учун метин негиз бўлиб қолаверишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бундан бошқа негиз йўқ.

(Давоми учинчи бетда).

